

ЭТНИК ГУРУҲЛАР МИГРАЦИЯСИНING ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМИКАСИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ТАЪСИРИ

Абдуллаев Акмал Амирович

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч
докторанти*

АННОТАЦИЯ

Мақолада Тошкент вилояти ҳудудида мавжуд жой номларининг этнонимлар билан боғлиқлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Тошкент ареалидаги топонимларнинг пайдо бўлишида этник гуруҳлар миграциясининг таъсири манбалар асосида изоҳланган.

Калит сўзлар: *этнотопонимлар, “Абдуллонома”, қонгли, дўрмон, қипчоқ, аргин, лингвокультурология.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается связь топонимов Ташкентской области с этнонимами. На основании источников объяснено влияние этнической миграции на возникновение топонимов в Ташкентской области.

Ключевые слова: *этнотопонимы, «Абдуллонаме», кангли, дурмон, кипчак, аргин, лингвокультурология.*

ABSTRACT

The article discusses the connection of place names in the Tashkent region with ethnonyms. The influence of ethnic migration on the emergence of toponyms in the Tashkent area is explained on the basis of sources.

Keywords: *ethnotoponyms, “Abdullanoma”, kangli, dormon, kipchak, argin, lingvokulturology.*

Тошкент вилоятининг кўпгина жой номлари этнотопонимлар, яъни турли элат, уруғларнинг этнонимлари жой номига кўйилиши натижасида пайдо бўлган топонимлар ҳисобланади. Бу бир қанча тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар билан боғлиқ. Бу ҳақда ўша даврларда ёзилган кўплаб манбаларда ёзиб қолдирилган. Мазкур ҳудуддаги этнотопонимларнинг ўз тарихий этимологияси бор. Жумладан, Тошкент воҳасидаги жой номларининг этнослар билан боғлиқ бир қанча маълумотларни машҳур тарихчи адиб Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида кўришимиз мумкин. Асарда айрим этник гуруҳларнинг номи уларнинг кундалик машғулоти билан боғлиқлигини тасдиқловчи маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, уни муаллифнинг **қонгли** қавми номининг келиб чиқиши тўғрисида келтирган маълумотидан

англаш мумкин. Ҳофиз Танишнинг ёзишича, қонглилар арава яшаш билан шуғулланиб, уни маҳорат билан амалга оширганлар. Бу араваларнинг номи **қонгли** аталиб, кейинчалик уни ясаган аҳоли ҳам шу ном билан атала бошланган [1, 36]. Бу этноним вақт ўтиши билан жой номига кўчган. Бугунги кунда Қибрай туманида **Қангли** деб аталадиган жой номи бор.

Ўрта Осиё тарихини ёритувчи манбаларда кўп учрайдиган уруғлардан бири бу **дўрмонлар** бўлиб, улар Бухоро хонлигида катта кучга ва мавқега эга бўлган. “Абдуллонома” асари муаллифи **дўрмон** уруғи тўғрисида маълумот келтириб, унинг этимологик маъносини беришга ҳаракат қилган. Ҳофиз Танишнинг ёзишича, дўрмон тоифаси Нирундан таркаган бўлиб, улар тўрт ўғил бўлган ва ўзлари яшаб турган жойдан Чингизхоннинг вилоятига киришни истаган. Улар сол боғлаб (ёғочларни бирлаштириб боғлаб сувда сузиш учун мослаштирилган мослама), унда сузиб Чингизхон вилоятига кирган ва ҳозирги дўрмон қавми ўшаларнинг наслидан ҳисобланади. Муаллифнинг таъкидлашича, мўғулчада “**дўрмон**” – “**тўрт**” деган маънони англатади [1, 46]. Ҳозирда Қибрай туманидаги жой номларидан бири **Дўрмон** деб аталади.

Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдуллонома”да айрим уруғ ва қабилаларнинг номи ҳамда уларнинг генеологиясига тўхталган қисмида **қипчоқ** номининг келиб чиқиши ҳақида ҳам қизиқарли, шунингдек, бир-бирига зид фикрларни баён қилган. Асар муаллифининг ёзишича, Ўғизхон даврида икки дарё оралиғида бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлган жангчининг ҳомиладор хотини бир дарахт ковагига кириб, шу ерда ўғил фарзанд кўрган. Ўғизхон боланинг отаси йўқлиги сабабли уни ўз васийлигига олган ва унинг исмини “Қипчоқ” деб қўйган. Ҳофиз Танишнинг фикрича, мазкур исм “**қабак**” сўзидан олинган бўлиб, туркчада кавакли дарахт шундай аталган. Орадан йиллар ўтгач, Ўғизхон итбоқар қавмини енгиб, Эрон заминини ўзига бўйсундириб юртига қайтгач, яна ўша қавмнинг бош кўтарганлиги ҳақида хабар топган. Шу сабабли уларнинг зарарли ҳаракатларининг олдини олиш учун Қипчоққа ўша яйловга жойлашишларини буюрган. Ўша замондан бери бу яйлов ва қишлоқлар у қавмнинг маконига айланди, деб ёзади асар муаллифи [1, 39]. Ҳофиз Таниш бу фикрлари орқали қипчоқ қавми номининг этимологияси ва унинг келиб чиқиши ҳамда уларнинг нима учун яшаш жойи ўша ер бўлганлигини изоҳлашга ҳаракат қилган. Аммо, бу каби маълумотларнинг илмий асосга эга эканлигини аниқлаб бериш алоҳида этнологик ва этнографик тадқиқотларни талаб қилади. Ҳозирги кунда республикамизнинг кўплаб жойларида, жумладан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ҳам **Қипчоқ** номи билан аталган жой бор.

Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида кўнғирот, қанғли, санжақли, сергили, қора қайроқ, арғин, бештамғали уруғлари қайд этилади [2, 396 б – 397 а]. Ушбу номлари санаб ўтилганлар Тошкент ва Дашти Қипчоқ аҳолиси таркибидаги этник гуруҳлардир ҳамда ҳозирги кунда ушбу этнонимлар Тошкент худудида жой номларига ўтган. Мисол учун, **Арғин** Қибрай туманидаги жой номи. Бу уруғ Ўрта Осиёда қадимда яшаб келган ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қайд қилинган арғу қабиласининг ўзгинаси бўлса керак. «Бобурнома»да, ўзбек уруғларнинг дастлабки ёзма шажараси ҳисобланган ва Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг «Мажмуат-тавориҳ» асарида келтирилган ўзбек элатлари рўйхатида бу уруғ арғун шаклида қайд қилинган. Бу этноним мўғулча арғин (ўзаги арғ – дурагай) сўздан келиб чиққандир. Арғин (арғун) сўзи қирғиз тилида ҳозир ҳам ана шу маънони англатади. Шу нарса диққатга сазоворки, кўпгина этнонимлар, чунончи, қалмоқ, арғин «дурагай, қурама» деган маънони англатган. Аслини олганда бошқалар билан аралашиб, чатишиб кетмаган биронта ҳам халқ ёки қабила йўқ – барча эллар, уруғлар бир-бирлари билан аралашиб, қўшилиб кетган [3, 2].

Тошкент ҳамда унинг шимолий худудларида яшовчи аҳолининг этник таркиби, улар ўртасидаги интеграцион жараёнларга оид маълумотлар Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг “Хулосат ул-аҳвол” асарида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, козоқ ва қирғизлар, уларнинг Қўқон хонлиги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳамда бу икки этнослар ўртасидаги интеграцияга доир бўлган маълумотлар лингвомаданиятшунослик соҳасидаги тадқиқот учун муҳим ўрин тутди.

Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жаҳоннамои” асарида 92 ўзбек қавмининг рўйхати келтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга [4, 22].

XVI асргача ва ундан кейинги даврларда Марказий Осиёда юз берган миграцион жараёнлар натижасида хонликлар, жумладан, ўша даврдаги Қўқон хонлиги таркибидаги Тошкент воҳаси аҳолиси таркибига турфа хил маданият ва урф-одатга эга турли этник гуруҳларнинг келиб қўшилиши узлуксиз давом этган. Бу, ўз ўрнида, хонликлар аҳолиси таркибида айрим ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келган. Бу ҳолатни юзага келтирган ўзига хос омиллар мавжуд бўлиб, худудда содир бўлган табиий ҳодисалар, мамлакатда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар шулар жумласидандир.

Аҳоли сони ва унинг этник таркибига таъсир кўрсатувчи бу ҳолатларнинг барчаси айнан бугунги кўринишда бўлмаса-да, бироқ ўрта асрларда ўзига хос

тарзда юз берган. Бу даврдаги демографик ўзгаришларнинг асосий омили ҳисобланган миграцион ва эмиграцион жараёнларни ўрганиш турли этник гуруҳларнинг бир ҳудуддан иккинчи жойга келиб қолиш тарихини билиш, минтақадаги аҳолининг маданияти, тил элементларидаги ўзига хослик, хўжалик турмуш тарзида, улардаги ўзгаришларнинг сабабларини очиб бериш имкониятини беради.

XVI-XIX асрларда битилган асарларда Қўқон хонлиги, хусусан, унинг ўша пайтда таркибида бўлган Тошкент воҳасининг этник таркиби бойишига ва сон жиҳатидан ўсишига яна бир иқтисодий омил, яъни аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган зарурати ҳам сабаб бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор. Сабаби, тадқиқот доирасида ўрганилаётган деярли барча манбалардан бу ҳақдаги маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, манбаларда қайд қилинишича, кўчманчи турмуш тарзида яшаган Қозоқ хонлиги аҳолиси ўз яйловларини кенгайтириш мақсадида ёки озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи туфайли ўша даврдаги холиклар тасарруфидаги деҳқончилик маҳсулотларига бой бўлган ҳудудларини эгаллаш учун доимий равишда ҳаракат қилган. Бунинг натижасида кўплаб дашт аҳолиси, жумладан, қозоқларнинг кўплаб уруғлари Туркистон, Саброн, Ясси, Сайрам ва Тошкент ҳудудларига келиб ўрнашган [4, 46].

Бундан ташқари, айрим шаҳарлардаги, жумладан Тошкент воҳасидаги илм-фан тарққиёти ва уларнинг маданий марказга айланиши қўшни давлатлар халқини ана шу шаҳарларга келиб илм олишига ва кўпчилик қисмининг бу ерларда яшаб қолишига сабаб бўлган.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, турли турли омиллар натижасида юз берган демографик жараёнлар айрим ҳолларда минтақа аҳолиси таркибининг бойиши ва қурама (турли этник гуруҳларнинг ўзаро аралаш)увига сабаб бўлган. Бу ҳолат этноинтеграцион жараёнларни юзага келтириб, халқларнинг маданий ҳаёти ҳамда хўжалик турмуш тарзида ўзаро таъсирни келтириб чиқарган. Турли кўринишдаги анъана, урф-одатлар ва тил унсурлар бир-бирини бойитган, айниқса, кўчманчи чорвадор аҳолининг ўтроқлашуви янада тезлашиб, яшаш тарзи ва машғулотида бир қатор ўзгаришлар содир бўлган. Одатда, кўчманчи уруғлар ва элатлар қаерда ўтроқлашса, ўша ерни уруғи ёки элининг номи билан аташ одати мавжуд бўлган. Бу ҳолатни Тошкент вилояти ҳудудидаги кўплаб топонимлар номининг тарихий этимологиясидан билишимиз мумкин бўлади.

Шунингдек, бу жараёнда ҳудудга турли тилли этник гуруҳларнинг кириб келиши, ўз ўрнида, маҳаллий аҳоли тил элементларига янги сўз ва ибораларнинг қўшилишига ҳам сабаб бўлган.

Ҳар бир халқ ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир. Дунёда бирор халқ йўқки, ўзининг этногенез босқичида минтақадаги бошқа этник бирликлар билан аралашмаган бўлса [5, 3]. Бу ҳақда Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони проф. С.П.Толтов шундай деган эди: «Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли халқлар ва теваарак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган» [6, 74]. Бундан Тошкент воҳаси халқи ҳам мустасно эмас.

Минтақада содир бўлган бу этноинтеграцион жараёнларнинг лингвокультурологик ҳосиласини кўрсатиб бериш алоҳида йирик фундаментал тадқиқотларни талаб қилади. Чунки бу масалани тўлиқ ёритиб бериш учун манбалардаги маълумотларнинг ўзи етарли бўлмай, бунинг учун лингвистик, антропологик ҳамда этнографик жиҳатдан кенг кўламдаги тадқиқот натижаларини ўзаро қиёсий таҳлил қилиш зарур.

REFERENCES

1. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. – Т.: Шарқ, 1999. – Б 276.
2. Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзФА ШИ қўлёзма, инв. №5732 . – Б 483.
3. А.Ҳ. Арифбаев, С.Қ. Қораев. Ўзбек халқи этногенезини ўрганишда этнонимларнинг роли. Интернет манба: <https://shosh.uz/uzbek-halqi-etnogenezini-organishda-etnonimlarning-rol/>.
4. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI-XIX аср биринчи ярми. Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова, А.А.Аширов – Тошкент, “Yangi nashr” 2011. – Б 128.
5. Асқаров А.А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари // “Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих” мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент. 2004 йил 19-20 ноябрь. – Б 84.
6. Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ, 1947. №VI-VII. С.304.